

ЗАРАРЛИ КЕМИРУВЧИЛАР БИЛАН КУРАШИШНИНГ ЭКОЛОГИК АСОСЛАРИ

Г.У.Утенова – ассистент ўқитувчи

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

А.Ж.Узакбергенов – талаба

Нукус қончилиқ институти

Таянч сўзлар: агроландшафт, биотоп, экосистема, ўлат, эпизоотологик, эпидемиологик, кемирувчилар, фауна, циампов, фосфорид цинка, алдамчи хўрак.

Ключевые слова: агроландшафт, биотоп, популяция, ландшафт, экологический, экосистема, кластер, элеватор, грызуны, приспособление, динамика численности, вегетативный.

Key words: agrolandscape, biotope, population, landscape, ecological, ecosystem, cluster, elevator, rodents, adaptation, population dynamics, vegetative.

Кемирувчилар гуруҳи (отряди) сутэмизувчилар синфининг энг кенг тарқалган ва кўп сонли тури. Яшаш муҳитининг барчасида учрайдиган зарари кўп (фойдаси ҳам оз эмас) аммо табиат балансида мувозанатни сақлашда, биологик кўп турлилик масаласида ўз ўрнига эга ҳайвонлар ҳисобланади.

Қорақалпоғистон ҳудудида тарқалган 28 тур кемирувчиларнинг 13 тури агроландшафт зонасида учрайди, шундан уй сичқони - *Mus musculus* L, юлғун кум сичқони - *Meriones tamariscinus* Pallas, сариқ юмронқозиқ - *Spermophilus fulvus* L кўп сонли ҳар хил жойларда тарқалганлиги сабабли қишлоқ хўжалигида бошқоқли дон экинларига, техник экинларга келтираётган зарари бўйича фарқли ўзига хос хусусиятга эга.

Шунингдек, ниҳоятда ҳафли юқумли ўлат (чума) касаллигини тарқатувчи эпизоотологик ва эпидемик жихатдан катта ҳавф келтирувчи турлар ҳисобланади.

Республикаимиз ўз мустақиллигига эришган, аҳолини нон, дон мустақиллигига эришиш мақсадида бошқоқли ва экин майдонини 100000 гектардан ошириб ҳосилдорлигини ошириш кўзда тутилган. Бу эса аввал фақат ёввойи табиат ўсимликларининг дони билан озиқланадиган дон ейдиган кемирувчи турлар учун қулай шароитни пайдо қилади.

Улар энди табиат биотопларидан бугдой, арпа, тарик, шоли, жўхори, макка ва. х. б. экин далаларига миграция қилиб зарари ҳам кўзга туша бошлади. Фақат далалар, дон омбор ичига ин, уя қуриб оммавий турда кўпайиб зарари ортиб бошлайди.

Қорақалпоғистоннинг агроландшафт экинзор зонаси иккита ўлат табиий ўчоғи муҳида жойлашганлигидан у ерда энг кенг тарқалган уй сичқони *Mus musculus* L куннинг совуқ тушиши билан уйларга, баҳорда куннинг исиши билан далага миграция этади ва юлғун сичқони билан битта биотопда яшаганликдан узвий алоқада бўлади. Ўз навбатида юлғун кум сичқони *Meriones tamariscinus* Pallas агроландшафтининг Қизилқум билан чегарадош этагида бирга яшагани сабабли зич алоқада бўлса, у ўз навбатида ўлат касаллигининг асосий сакловчиси катта кум сичқони билан битта биотопда яшагани учун барча алоқага, эстафетаси битта туташ боғланиш занжир механизмига айланиб касаллиқнинг табиатдан агроландшафтга кириб касаллиқнинг одамлар орасида тарқалишига имконият яратади, эпидемиологик ҳавф юзага чиқиши мумкин.

Ушбу ҳавфнинг олдини олиш учун кемирувчиларнинг сонини алоҳида ҳафли ҳудудларда камайтириш учун Қорақалпоқ ўлатга қарши курашиш филиалининг узок йиллар давомида олиб борган курашиш усуллари, тўплаган тажирибалари катта эътиборга лойиқ.

Кемирувчилар билан кураш тарихи жуда узок ва у 1927 йиллардан бошланади. Тўплаган усуллари синаб кўришдан бошланган ва бир нечта тадқиқот экспедицияси, кейинчалик 1938-41 йилларда циампов гази ва заҳарланган алдамчи хўрак [1:7] стрихнин қўлланилган [2]. 1950 йилларга келиб [3:25] алдамчи хўрак тайёрлади. Сульфаттали ва фосфид цинка заҳарлари қўлланилган ва 15 йил давомида Волга-Урал қумлари ўчоғида майда кум сичқонларига қўлланилган [4:261].

Ўрта Осиё текислик ўлат ўчоғида, жумладан, Қизилқумда юлғун кум сичқонларини *Meriones tamariscinus*

pallas кириш иши катта қумларда сичқонни киришга қаратилганлигининг сабаби Волга-Урал қумларида асосий ўлат сакловчиси ярим кун қум сичқони бўлса, Қизилқумда у иккинчи даражали тур, асосийси катта кум сичқони ҳисобланади.

Тўплаган тажирибаларга асосланиб, кемирувчиларга қарши курашиш учта мақсадда олиб борилди [5:411].

1. Ўлат ўчоғини йўқ қилиш.

2. Тез олдини олиш профилактика сифатида эпизоотия бўлаётган жойларда.

3. Олдини олиш, яъни эпизоотияни бўлдирмаслик чораси сифатида, эпизоотияга иштирок этувчи тарқатувчиларнинг сон миқдорини камайтириш, иштирок қилишни бўлдирмаслик ёки узилишга учратиш.

Айрим олимлар [6:69] эпизоотия бўлаётган ареалда аҳоли орасида ундан сақланишга қаратилган йўллари қўлланиш ташвиқот, тушунтириш ишларини кучайтиришни таклиф этади. Айниқса, уйларда тарқалган бурга - *Pulex irritans* ни йўқ этиш ва ундан сақланиш йўллари излашни таклиф этади. Бу жуда тўғри, самарали йўл ҳисобланади. Бу амалиётда 1951-1956 йиллари қўлланилиб бир қанча натижага эришилган чора ҳисобланади. 1989 йилда ўткир - жуда ҳафли эпизоотик кенглик эпизоотияда турар жойлардан 40-50 км узокликдаги инлардан ўлат топилганда шифокор эпидемиологлар [7:59] бу ҳолатнинг ҳавфли эканлигини ўша ердаги маҳаллий аҳолига тушунтириш, чўпонларни бошқа чорва яйловларига кўчириш орқали ўлат касаллигидан сақлаб қолиниши катта аҳамиятга эга чора ҳисобланади. Бу ҳам ўлат тарқатувчи кемирувчилар билан курашнинг битта усулига киради.

Қорақалпоғистонда ўлат касаллигига қарши хизмат кўрсатиш ва эпидемиологик тинчликни таъминлаш маркази (филиали) ўз вазифасини бажаришда ўлат ўчоғини пайдо қилувчи, тарқатувчи кемирувчилар билан курашда катта тажирибага эга идора ҳисобланади.

Бу тармоқда филиал 1950 йиллардан эътиборан 1966 йилларгача узок давр ичида 2,5 млн гектар майдонда ўлат ўчоғи бўлган Қизилқумда кемирувчиларни киришда, ўчоқни касалликдан тозалаш ғоясини амалга оширишда қўплаган методларни, заҳарли химикатларни ҳар хил мавсумларда қўллаб синаб кўрди. Бу қанча қимматга тушмасин, ҳавфли, шаффоф табиат ҳолатида узок сақланадиган ва кучини йўқотмайдиган, сувда эримайдиган фосфид цинка, ғўза ёғи, одам кучи, транспорт, молиявий харажатни талаб қилади. Аммо уни еган сичқонларининг ўлувчанлиги юқори (90%) бўлади, сон миқдори камайди ва у 3-4 йил давом этади.

Айтилган майдонда қанча фойдали ҳайвонлар бошқа тур сутэмизувчилари, қўшлар, судралиб юрувчилар қирилади, тупрокни заҳарлайди.

«Хасталиқдан тозаланган», сичқони қирилган ҳудудлар самарасини қўллаб қувватлаш учун такрорий ишланди, уни бошқа кириш иши ишланмаган ҳудудлардан касаллик кириб келмаслиги учун 30-40 км энликда, 140 км узунликда кемирувчилари қирилган барьер (тўсик) ясалди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида тозаланган ҳудудлардан ўлат микроби топила бошлади, ўтказилган тадқиқот ўзини оқламади. Бошқа усул тадқиқотлари бошланди ва ҳозирда давом этмоқда.

Тўпланган тажириба натижаларига асосланиб зарарли кемирувчилар билан курашишнинг замонавий самарали ва бошқа фауналарга зарар бермайдиган усулини ишлаб чиқиш ва қўллаш, бу соҳанинг олдида турган илмий аҳамиятга эга муаммо ҳисобланади ва тўпланган

тажирибаларни янги нуқтаи назардан ўрганиш, таҳлил қилиш инкубацион технологик ҳояларга мувофиқ яқунлаш бугунги илм-фаннинг олдида турган катта вазифа ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Семенов И.И., Шейкина М.В. Опыты и борьба с песчанками Волго-Уральских песков приманочным методом. –В кн: Грызуны и борьба с ними. –Саратов: 1946. Вып. 2. –С. 7-46.
2. Павлов Н.М., Ралль Ю.М. Химические и экологические особенности применения цианплова в борьбе с песчанкам. –В кн.: Грызуны и борьба с ними. 1946. Вып. 2. –Саратов: Изд. Институт микроб. с.
3. Попов А.В., Табунина Т.И. Совершенствование приманочной борьбы с полуденной и гребенщиковой песчанками наземными способами. 1. Ручное разбрасывание отравленных приманок по местности. – В сб.: Грызуны и борьба с ними. Вып. 3. –Саратов: 1950. –С. 25-39.
4. Найден П.Е. Вопросы технической и противоэпизоотийной эффективности многократного истребления грызунов в Волго-Уральских песках. В кн: Науч. конф. по природн. очаговости и эпидемиол. особо опасных инфекц. заболеваний. 25 янв. 2 февр. 1957. –Саратов: 1957. –С. 261—263.
5. Фенюк Б.К. Основные задачи в области тактики, организации и методика борьбы с грызунами в природных очагах чумы. //Науч. конф. по природной очаговости и эпидемиол. особо опасных инфекц. заболеваний. Тез. докладов. –Саратов: 1957. –С.411-420.
6. Бурделов А.С. О некоторых критериях состояния популяции больших песчанок. В кн:// Тез. докл. науч. конф. по природн. очаговости и эпидемиол. особо опасных инф. заболеваний. –Саратов: 1957. –С. 69-72.
7. Дубянский М.А., Асенов Г.А., Кенжебаев А.Я., и др. Опасновательные признаки участников с повышенных риском заражения в природном очаге чумы. –В кн., Всесоюзная конф. По природной очаговости болезней. Тезисы докл. Новосибирск. –Москва: 1989. –С. 59-60.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Қорақалпоғистоннинг агроландшафт зонасида энг кенг тарқалган зарарли кемирувчилар билан курашишнинг экологик асослари келтирилган. Бу тадқиқотда 1950-1966 йиллари қўлланилиб бир қанча натижага эришилган чоралар келтирилган. Тўпланган тажириба натижаларига асосланиб зарарли кемирувчилар билан курашишнинг замонавий самарали ва бошқа фауналарга зарар бермайдиган усулини ишлаб чиқиш ва қўллаш, бу соҳанинг олдида турган илмий аҳамиятга эга муаммо ҳисобланади.

РЕЗЮМЕ. В статье представлены экологические основы, борьбы с наиболее распространенными вредными грызунами в агроландшафтной зоне Каракалпакстана. В этом исследовании представлены несколько показателей, которые использовались в период с 1950 по 1966 год. По результатам накопленного опыта, разработка и применение современного эффективного метода борьбы с вредными грызунами, не наносящего вреда другим представителям животного мира, является научной задачей, стоящей перед данной областью.

SUMMARY. The article presents the ecological basis of the control of the most common harmful rodents in the agro-landscape zone of Qorakalpakstan. In this study, several measures that were used between 1950 and 1966 are presented. Based on the results of the accumulated experience, the development and application of a modern effective method of combating harmful rodents that does not harm other fauna is a scientific problem facing this field.

Geografiya. Ekologiya

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНING ТАБИЙ КЎПАЙИШИ ВА УНИНГ МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДАГИ ЎРНИ

Н.Ж.Ембергенов – география фанлари номзоди, доцент

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

О.Т.Аюзов – таянч докторант

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: табиий кўпайиш, механик кўпайиш, аҳоли рўйхати, меҳнат ресурслари, миграция жараёни, урбанизация даражаси.

Ключевые слова: естественное воспроизводство, механическое воспроизводство, перепись населения, трудовые ресурсы, миграционный процесс, уровень урбанизации.

Key words: natural reproduction, mechanical reproduction, population list, labor resources, migration process, level of urbanization.

Меҳнат ресурсларининг шаклланишида аҳолининг табиий ва механик кўпайиши асосий омил ҳисобланади. Лекин, меҳнат ресурсларининг шаклланишида аҳолининг табиий кўпайиш жараёнлари ҳар қандай давлат учун муҳим стратегик аҳамиятга эга. Чунки, миграция жараёнлари фаол минтақа аҳолисининг ёш-жинс, миллий-этник, диний ва ижтимоий таркибига сезиларли даражада ўзининг таъсирини кўрсатади. Бу ўз навбатида, шу ҳудудда ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Бarcha ўтган даврларда аҳолининг табиий кўпайиши мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари сингари Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ресурсларининг шаклланишида ҳам асосий манба бўлган. Ўтган асрнинг 90 йилларидаги сиёсий ўзгаришлар ва бунинг натижасида минтақада юзага келган ижтимоий-иқтисодий муаммолар туфайли аҳолининг табиий кўпайиш суръати кескин қисқарган. Масалан, ушбу кўрсаткич 1991-2000 йилларда ҳар минг кишига 30,1 дан 18,4 кишига камайган (61,1 фоиз). Бу даврда аҳоли табиий кўпайиш даражасига бевосита туғилиш

жараёнининг қисқариши таъсир қилди ва у мос равишда 36,9 ва 24,0 промиллени ташкил этди (65,0 фоиз).

Аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, 1979-1989 йиллар мобайнида республикада аҳолининг табиий кўпайиш даражаси юқори ва барқарор бўлган [1]. Масалан, 1979 йили аҳолининг туғилиши 40,9, унинг ўлими 8,0 ва табиий кўпайиш 32,9 промиллени ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1989 йили мос равишда 40,6; 8,5 ва 32,1 промиллега тенг бўлган.

2000-2020 йилларда Қорақалпоғистонда аҳолининг туғилиши 24,0 дан 20,6 промиллега, унинг ўлими 5,6 дан 4,8 промиллега ва натижада табиий кўпайиш даражаси 18,5 дан 15,8 промиллега камайган. Бу даврда аҳолининг туғилиши ва ўлими кўрсаткичлари бир хил, яъни 86,0 фоизгача камайган. Умуман олганда, 1-расм таҳлилларига кўрса, республикада аҳолининг табиий кўпайиш даражаси ўтган асрнинг 90 йилларидан 2005 йилгача камайиш ҳолати кузатилган бўлса, 2005-2015 йилларда бу жараён бироз ўсган ва ундан кейин яна камайганлигини кўришимиз мумкин.